

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ

## МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

2020

**№3**

**26 МАЙ**

**Конференцияга қуйидаги шўъбалар бўйича мақолалар қабул қилинади:**

1. Санъат ва маданият фанлари
2. Тарих фанлари
3. Фалсафа фанлари
4. Филология фанлари
5. Педагогика фанлари
6. Психология фанлари
7. Социология фанлари
8. Ижтимоий-гуманитар фанлари
9. Жисмоний маданият

ICI WORLD of JOURNALS

Google Scholar

Academic Resource Index ResearchBib

iD

http://oac.dsmi-qf.uz

O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI

O’ZBEKISTON DAVLAT SAN’AT VA MADANIYAT INSTITUTINING
FARG’ONA MINTAQAVIY FILIALI

“ORIENTAL ART AND CULTURE” ILMIY-METODIK JURNALI

# “O‘ZBEKISTONDA ILM-FAN VA TA’LIM”

## KONFERENSIYASI TO’PLAMI
## (1-QISM)

26 May 2020 yil

Qo’qon shahri

## TAXRIRIYAT


**Editor in chief**
Usmonov Shamsiddin Yulchiboyevich
*Associated Professor*
**Executive Secretary**
Turgunbaev Rashid Muxtorovich
*MSE*
**Preparing for publishing**
Karimov Bobur Murodjon o‘g‘li

**Бош муҳаррир**
Усмонов Шамсиддин Юлчибоевич
Доцент
**Масъул котиб**
Турғунбоев Рашид Мухторович
МИТ
**Нашрга тайёрловчи**
Каримов Бобур Муроджон ўғли

**Editorial board**
T.Mirzayev
*Academician, Scientist-Folklorist*
S.Mannopov
*National artist of Uzbekistan, Professor*
I.Yuldashev
*Doctor of Philology, Professor*
M.Juraev
*Honored Worker of Culture, Doctor of Philology, Professor*
R.Maksudov
*Doctor of technical sciences*
M.Abdullayeva
*Honored mentor of youth of Uzbekistan, Professor*
R.Shukurov
*Candidate of Philology, Associated Professor*
R.Xolmatov
*Candidate of Historical Sciences, Associated Professor*
K.Yuldashev
*Honored Artist*
G.Xolikulova
*Candidate of Art Sciences*
A.Eminov
*Candidate of pedagogical sciences, Associated Professor*
M.Xujaev
*Member of the union of writers*
E.Yuldashev
*PhD of Art Sciences*
O.Xasanov
*PhD of Political Sciences*

**Тахририят**
Т.Мирзаев
*Академик, фольклоршунос олим*
С.Маннопов
*Ўзбекистон халқ артисти, профессор*
И.Йўлдашев
*Филология фанлари доктори, профессор*
М.Жўраев
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор*
Р.Максудов
*Техника фанлари доктори*
М.Абдуллаева
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор*
Р.Шукуров
*Филология фанлари номзоди, доцент*
Р.Холматов
*Тарих фанлари номзоди, доцент*
К.Йўлдашев
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби*
Г.Холиқулова
*Санъатшунослик фанлари номзоди*
А.Эминов
*Педагогика фанлари номзоди, доцент*
М.Хўжаев
*Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси*
Э.Юлдашев
*Санъатшунослик фанлари PhD*
О.Хасанов
*Сиёсатшунослик фанлари PhD*



**Founder**
Fergana Regional Branch of Uzbekistan State Institute of Art and Culture

**Таъсисчи**
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали

| | | |
|---|---|---|
| | Нурматова Севара Рустамовна<br>МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИДА ЭРКАКЛАР РАҚСИНИНГ ЎРНИ: КЕЧА ВА БУГУН | |
| 21. | Karieva Nazokat Jumanazarovna, Bog'ibek Davlatov<br>URGANCH SHAHAR ME'MORCHILIGINI BUGUNGI QIYOFASI VA UNGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR | 79 |
| 22. | O.Muhammatova<br>MUSIQA DARSLARIDA O'QUVCHILARNI MUMTOZ KUY-QO'SHIQLAR HAQIDAGI NAZARIY VA AMALIY BILIMLARINI SHAKLLANTIRISH MAZMUNI | 83 |
| 23. | Абидинова Хушноза Шухратжон қизи<br>РАҚС УСТИДА ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ | 88 |
| 24. | Султангирова Ирина Радиковна<br>ЗАРОЖДЕНИЕ УЗБЕКСКОГО НАЦИОНАЛЬНОГО БАЛЕТНОГО ИСКУССТВА | 93 |
| 25. | Аҳметжанова Моҳинур<br>КИНО АКТЁРЛИК САНЪАТИ ШАКЛЛАНИШИДА ТЕАТР АКТЁРЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ | 97 |
| 26. | Б.Мустафоев<br>БАРКАМОЛ АВЛОД МУСИКА МАДАНИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ | 100 |
| 27. | Усманова Гуласал Нормуҳаммад қизи, Саитова Эркиной Якубовна<br>ЎЗБЕК РАҚС САНЪАТИ РИВОЖИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА ИНОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР | 103 |
| 28. | Машҳура Дармонова<br>ТОШКЕНТ ХАТТОТЛИК МАКТАБИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ | 107 |
| 29. | N.Ismoilova<br>MUSIQA O`QITUVCHILARINI XOR-DIRJORLIK FAOLIYATIGA TAYYORLASHDA AYRIM MUOMMOLAR | 112 |
| 30. | Досымбетова Абадан Алиевана<br>Ж.ИЗБАСҚАНОВТЫҢ ПЕЙЗАЖ ЛИРИКАСЫНДА КӨРКЕМ ДЕТАЛЬ | 116 |
| 31. | Sharipova Sanam Jahongirovna<br>TASVIRIY SA'NATNING RANGIN OLAMI | 120 |
| 32. | Ибрагимова Нилуфар Адхамовна<br>МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ МУСИҚА ЎҚИТУВЧИСИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎРНИ | 123 |
| 33. | Шоҳрух Абдурасулов Абдунаимович<br>ИНСЦЕНИРОВКАНИНГ ТЕАТРШУНОСЛИК ФАНИДА ИЛМИЙ ЎРГАНИЛИШИ | 126 |
| 34. | Наврўзбек СОБИРОВ<br>СОЗАНДАЛИК МАҲОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ТАЪЛИМ. ИЖОД. ЖАРАЁН | 129 |
| 35. | Maftuna Yigitaliyeva<br>THE MEANING OF RIDDLES IN FOLKLORE | 132 |
| 36. | Равшан Полатович Чарыев<br>ПРОБЛЕМА ТВОРЧЕСКОГО ПРОСТРАНСТВА БАЛЕТМЕЙСТЕРА-РЕЖИССЕРА РАВШАНА ЧАРЫЕВА. | 135 |
| 37. | Odilov Askarali Ismailovich<br>XALQ CHOLG'ULARDA IJRO BADIIYLIGINI SHAKLLANTIRISH USULLARI | 138 |
| 38. | Олимовой Зарины Шухратовны | 143 |

# БАРКАМОЛ АВЛОД МУСИКА МАДАНИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Б.Мустафоев**
**Бухоро вилоят ХТХҚТУМОҲМ**
**кафедра мудири, доцент**

***Аннотация:*** *Мақолада мамлакатимизда мусиқа маданияти таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбиясини такомиллаштириш, мусиқа маданияти ўқитувчисининг касбий компетентлиги, замонавий дарсларни ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари, метод, усул ва воситалари хусусида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар****: мусиқа педагогикаси, Давлат таълим стандарти, мусиқа мероси, замонавий мусиқа дарслари, таълим технологиялари, мусиқа тинглаш, мусиқа саводхонлиги фаолияти, педагогик амалиёт, халқ мусиқаси, ўқитувчининг компетентлик даражаси.*

Ҳозирги замон мусиқа педагогикаси фани олдида турган мухим муаммолардан бири - таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Зеро, мусиқа таълим-тарбияси инсон маънавий камолотини таъминловчи омиллардан бири бўлиб, инсон туйғуларига таъсир этиш билан уни маънавий – ахлоқий жиҳатдан тарбиялайди

Бугунги кунда навкирон авлодимизнинг маънавий камол топишида мусика санъати бошка санъат турларига караганда кўпрок ва кучлироқ таъсир кўрсатмокда. Мамлакатимизда мустакилликка эришилгандан сўнг барча сохалар катори мусика таълим – тарбияси сохасида хам катта ислохотлар бошланди. Мусикий таълим – тарбия масалаларига муносабат мохиятан ўзгарди. Ўзбек мусиқа санъати ва маданиятига бўлган эътибор давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, ёш авлоднинг мусиқий тарбиясида муҳим восита сифатида миллий мусиқа асарларидан унумли фойдаланиш масалаларига эътибор кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПК-3391-сонли Қарорида айни вақтда миллий ўзлигимизни англаш, маданиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз, аввало ёш авлодимизни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, унинг эстетик диди ва тафаккурини шакллантиришда мақом санъатининг кенг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Шу боис, миллий мақом санъати намояндалари, тарғиботчилари олдига “Халқимиз, хусусан ёш авлодни мақом санъати билан кенг таништириш орқали уларда миллий ўзликни англаш туйғуси юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш” вазифаси қўйилди ( 1).

Бу эса таълим-тарбиянинг методологик асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этиб, педагогик фаолиятни мақсадли амалга оширишга ундади. Эндиликда асосий мақсад - ўқувчи фақат эгалланган билим ва кўникма, малакаларни ўзлаштириш билан эмас, балки ундан мустақил равишда шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиши ва ҳаёти давомидаги турли ижтимоий муносабатларда оқилона фойдалана олиши жоиз ( 2).

Кейинги йилларда, мусиқа таълими тизимини янада такомиллаштириш, ёшлар орасида мусиқий таълим-тарбияни ривожлантириш борасида қатор ҳужжатлар қабул қилинди, дарсликлар нашр эттирилди, дастурлар тайёрланиб, ўқув-методик адабиётлар чоп эттирилди, мутахассис ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида муайян ижобий натижаларга эришилди.

2017 йил 6 апрелда “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 187-сонли қарори билан Мусиқа маданияти фанидан Давлат таълим стандарти тасдиқланди (3).

Давлат таълим стандартларини амалиётга жорий этилганлиги мусиқа маданияти фани ва ўқитувчиларининг зиммасига катта масъулият юклади: “Мусика таълим-тарбиясининг максади, ёш авлодни миллий мусика меросимизга ворислик кила оладиган хамда умумбашарий мусика мусика намуналарини англайдиган, тушунадиган ва кадрлайдиган маданиятли кишилар килиб тарбиялашдан иборат”лиги алоҳида қайд этилди ( 4).

Мусиқа маданияти фани бўйича умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талаблари мусиқий саводхонлик, жамоа бўлиб куйлаш, мусиқа тинглаш ва таҳлил қилиш компетенциялари асосида амалга ошириладиган бўлди.

Бугунги кунда замонавий мусиқа маданияти фани ўқитувчисидан ташкил этаётган дарсининг мазмуни ва ўқувчилар имкониятидан келиб чиққан ҳолда, машғулот жараёнида илғор усуллар асосида инновацион технологияларни яратиш ва улардан оқилона фойдаланиш талаб этилмоқда. Бу талабни амалга оширишда эса ўқитувчи касбий маҳоратининг роли катта. Ўқитувчи билимли, илғор, истеъдодли ижодкор, изланувчан, ташаббускор, педагогик-методик маҳоратга эга бўлиши лозим.

Таълим технологияларини мусиқий ўқув жараёнига кенг тадбиқ этиш ўқувчилар фаоллигини оширишнинг муҳим омилларидан бири сифатида

мазмун топишида ўкитувчи мусиқа санъатининг назарий ва амалий соҳаларидан етарли даражада билимга ва тажрибага эга бўлиши, дарсни қизиқарли усулларда олиб боришига эътибор кучайтирилди.

Машғулотлар жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида дўстона муҳит яратилиши - дарс самарадорлигини оширишга, ўкувчиларни мустакил ижодий фикрлашга, мусиқа асарларига муносиб муносабат билдириш кўникмасини шакллантиради. Бу усулда ўкувчи ўзи фаол иштирок этган ҳолда, якка, жуфтликда, гуруҳларда муаммо ва саволларга жавоб топишга ҳаракат қилади, асарларнинг бадиий сифатларини муносиб баҳолайди, куйлайди, тинглайди, далил ҳамда асослар орқали қўйилган масалани ёритиб беришга ҳаракат қилади. Бу эса ўкувчиларнинг хотирасида узоқ сақланади ва янги мусиқий маълумотларни ўзлаштиришда ижодий ёндаша олади.

Хуллас, умумий таълим жараёнида мусиқа тарбияси тизимини ислоҳ қилишга қаратилган давлат ҳужжатлари методологик асос сифатида келгусида баркамол авлод мусиқа маданияти асосларини тарбиялашда, ёшларнинг мусиқа санъати соҳасида чуқур ва пухта билим олишини таъминлашга хизмат қилади. Бу масъулиятли жараёнда тизимдаги барча педагог-ходимлар, методист-ўқитувчилар ва мусиқа санъати соҳаси мутахассислари ижодий ҳамкорликда фаолият юритмоқлари лозим.

**Адабиётлар:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ – 3391-сонли қарори (Халқ сўзи. 2017. - 18 ноябрь)

2. Ўзбекистон республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 24-январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида сўзлаган нутқидан.

3.2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 187-сонли қарори билан Мусиқа маданияти фанидан Давлат таълим стандарти

4.Абралова М., Галиева Д. “Мусиқа” 2-синф . Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008 й. 4-бет.)